Инв. № 90295
Гос. книжная палата УзССР

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 4 февраль, шанба №16(21.779.) Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

2 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Се Гён Ини қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатларга тўхталар экан, мамлакатларимизнинг иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлиги тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади. Кореянинг «ДЭУ», «Самсунг» каби йирик фирмалари билан самарали ҳамкорлик икки мамлакат алоқаларининг мустаҳкамланишига хизмат қилаётганини айтди.

Се Гён И самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, кореялик ишбилармонлар Ўзбекистонга катта қизиқиш билдираётганини қайд этди. У мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар бундан буён ҳам мустаҳкамланиб боради, деб умид билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Корея ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).



СУРАТДА: қабул пайти.

Р. ШАГАЕВ олган сурат (ЎзА).

ПРЕЗИДЕНТГА ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Рамазон ойи муносабати билан Сизга, жаноби олийлари, энг қизғин қутловларимни йўллашдан мамнунман. Сизга бахт-саодат, шунингдек, мамлакатингизнинг қардош халқига улкан тараққиёт тилайман.

Камоли эҳтиром ила

Зайд бин Султон ал Нахайан,
Бирлашган Араб Амирликлари Президенти

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Рамазон ойи кириши муносабати билан Сиз - жаноби олийларига самимий қутловларимни йўллашдан мамнунман. Сизга сиҳат-саломатлик, шунингдек, мамлакатингизнинг қардош халқига тўкин-сочинлик ва фаровонлик тилайман.

Мактум бин Рашид ал Мактум,
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти ва Бош вазири

***

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муқаддас Рамазон ойи муносабати билан Сиз — жаноби олийларига самимий қутловлар йўллаш менга улкан мамнуният бахш этади. Сизга сиҳат-саломатлик, шунингдек, мамлакатингизнинг қардош халқига тўкин-сочинлик ва фаровонлик тилайман.

Султон бин Зайд ал Нахайан,
Бирлашган Араб Амирликлари Бош вазирининг ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ИПАК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЖМУИДА ИНТЕГРАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ипак ишлаб чиқариш мажмуида корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш ва интеграциялаш жараёнларини кучайтириш асосида маҳсулот сифатини ошириш ва уларнинг рақобатга бардошлилигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Марғилон «Ипакчи» акционерлик жамияти, Наманган «Атлас» акционерлик жамияти ҳамда Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг пилла етиштириш, тайёрлаш ва сотишни амалга оширувчи корхона ва ташкилотлари меҳнат жамоаларининг «Кумуш тола» ва «Хонатлас» акционерлик компанияларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, кўрсатиб ўтилган акционерлик компаниялари:

ипак қурти уруғини етиштириш, тут дарахтларини парвариш қилиш, пилла тайёрлаш, уларга дастлабки ишлов бериш, ипак хом ашёсидан ва йигирув чиқитларидан калава иплари ва шойи газламалар ишлаб чиқаришни амалга оширувчи корхоналар ва ташкилотларнинг ихтиёрий бирлашмалари ҳисобланади;

очиқ турдаги акционерлик бирлашмалари шаклида ташкил этилади;

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмасининг юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган қатнашчилари ҳисобланадилар, ўз фаолиятини компания уставига мувофиқ амалга оширадилар;

белгиланган тартибда давлат органларида рўйхатдан ўтказиладилар.

«Кумуш тола» ва «Хонатлас» компаниялари таркибига кирган пиллани дастлабки қайта ишловчи корхоналар қишлоқ хўжалиги корхонаси мақомини сақлаб қоладилар.

3. Акционерлик компанияларининг бошқариш тузилмаси маъқуллансин. Акционерлик компаниялари бошқарувларининг ижро этувчи аппарати функцияси «Ипакчи» ва «Атлас» акционерлик жамиятларининг шойи ишлаб чиқарувчи бош корхоналарига юклансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг туманлардаги пилла қуритиш корхоналарини ширкатларга айлантириш ҳамда уларнинг мулкдаги улушларини белгиланган тартибда пиллакорлар (оилавий звенолар), пилла қуритиш ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Пиллакорлар ширкатлари:

юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобланадилар;

пиллани тайёрлаш, қуритиш, қуруқ пиллаларни пиллакорлар номидан истеъмолчиларга жўнатиш функцияларини амалга оширадилар;

пиллакорларга сифатли тут барги етказиб бериш бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналари билан шартномалар тузадилар.

5. Жойларда пиллакорларнинг мустақил ширкатлари ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги «Ипак» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг Қорақалпоғистон Республика ва вилоятлар бирлашмалари белгиланган тартибда тугатилсин, вилоятларда туманлар ширкатларининг мувофиқлаштирувчи кенгашлари тузилсин.

6. «Ипак» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналари негизида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги «Пилла» уюшмаси ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Пилла» уюшмаси ўзига берилган ваколатлар ва функциялар доирасида қўйидаги вазифаларни ҳал қилади:

бозор муносабатларини чуқурлаштириш, ипак қурти уруғи етиштиришдаги, ипак қуртини боқишдаги, пиллани қуритишдаги замонавий технологияларни ёйиш ва маркетингни ташкил этиш;

агротехникани ва ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришда республика пиллакорлар ширкатларига методик ёрдам бериш;

ширкатларга ташқи бозорни ўрганишда ва уларнинг экспорт имкониятларини кенгайтиришда кумаклашиш.

7. «Кумуш тола» ва «Хонатлас» акционерлик компаниялари ҳамда «Пилла» уюшмаси ташкил этилиши муносабати билан «Ипак» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси белгиланган тартибда тугатилсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, «Пилла» уюшмаси:

юридик шахс ҳисобланади ва пиллакорларнинг туман ширкатлари ҳамда мулкчиликнинг барча шаклларидаги бошқа ипакчилик корхоналари ва ташкилотлари томонидан тузилади;

ўз фаолиятини таъсисчиларнинг пай ва бошқа бадаллари ҳамда улар томонидан берилган ваколат ва функциялар асосида ташкил қилади;

Шартномалар ва мажбуриятлар бўйича «Ипак» республика ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

9. «Пилла» уюшмаси ижро этувчи аппарати ходимларининг сони 22 нафар миқдорида маъқуллансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда, бир ой муддатда «Пилла» уюшмаси фаолияти уставини ишлаб чиқсин ва қабул қилсин.

11. Белгилаб қўйилсинки, «Пилла» уюшмаси туман пиллакорлар ширкатлари, «Кумуш тола», «Хонатлас» акционерлик компаниялари ва тут барги етиштирувчи хўжаликлар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатлар махсус шартномалар билан тартибга солинади.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмаси ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда, бир ой муддатда хом пилла етиштириш ва харид қилиш, пиллакорларни тут барги билан таъминлаш бўйича намунавий шартнома лойиҳасини ишлаб чиқсинлар ва Вазирлар Маҳкамасига киритсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Ўзбекенгилтижоратбанк»нинг вилоят филиалларини очишга амалий ёрдам берсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси:

«Кумуш тола» ва «Хонатлас» акционерлик компаниялари таркибига кирувчи корхоналар акцияларининг 20 фоизгачасини тегишли юридик ва жисмоний шахсларга — хом пилла етиштирувчиларга сотишни назарда тутсин;

акционерлик компанияларидаги акцияларнинг давлат улушини бошқариш ҳуқуқини шартнома асосида «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмасига берсин;

давлатга тегишли акциялар бўйича дивидендларни икки йил мобайнида шартнома асосида «Кумуш тола» ва «Хонатлас» компанияларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмасига берсин.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ижара шартномалари асосида тут дарахтлари ва тутзорларни оилавий звеноларга ва фермерларга бириктириб қўйишни таъминласинлар, тут дарахтларини уларнинг розилигисиз кесиб ташлашни тақиқласинлар.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги: ипак қуртининг элита ва супер элита уруғи, тут кўчатлари етиштиришни ривожлантириш, ипак қуртини боқиш агротехникасини такомиллаштириш юзасидан ягона сиёсат юритилишини таъминласин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликлари билан биргаликда озуқа базасини ривожлантиришда, янги тутзорлар барпо этишда «Кумуш тола», «Хонатлас» компаниялари хўжаликлари ва корхоналарига ҳамда пиллакорлар ширкатларига ёрдам кўрсатсин, тутзорларнинг сақланиши устидан назорат ўрнатсин.

16. Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1988 йил 15 сентябрдаги қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 3 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКАДА САВДОНИ ЭРКИНЛАШТИРИШНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 14 декабрдаги 604-сон қарори билан товарларнинг, шу жумладан озиқ-овқат товарларининг нархлари эркинлаштирилишини тугаллаш ва 1995 йил 1 январдан бошлаб тўлиқ эркинлаштиришни таъминлаш назарда тутилган эди.

Шу билан бирга аҳолини энг зарур товарлар билан таъминлашда узилишларга йўл қўймаслик ва савдо ходимлари томонидан суиистеъмол қилишларнинг олдини олиш мақсадида кундалик эҳтиёж товарларининг савдода эркин нархлар бўйича мавжуд бўлиши ва сотилиши учун шахсий жавобгарлик вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг биринчи раҳбарлари ва Бош вазирнинг ўринбосари М. Усмонов зиммасига юкланган эди.

Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, мазкур қарор бажарилишини таъминлаш, аҳоли таъминотида қатъий тартиб ўрнатиш, қишга зарур озиқ-овқат заҳиралари тўплаш ўрнига вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг айрим раҳбарлари савдо корхоналарининг раҳбарлари билан биргаликда товарларни белгилаб қўйилган шаклларда сотишга қайтишга қаратилган қарорлар қабул қилмоқдалар ва бу билан жойларда аҳолига хизмат кўрсатишнинг бозор шаклларига ўтишни тушунмасликларини, баъзан эса хоҳламасликларини яна бир бор кўрсатмоқдалар.

Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари манфаатдор ташкилотлар иштирокида жойларда зарур текширишлар ўтказсинлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 14 декабрдаги 604-сон қарори сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

2. Вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари кўрсатиб ўтилган қарорнинг товарлар нархлари тўлиқ эркинлаштирилишини таъминлаш юзасидан сўзсиз бажарилиши учун шахсан жавобгар эканликлари ҳақида огоҳлантирилсинлар, айбдорлар эса жавобгарликка тортилиб, эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилиши назарда тутилсин.

3. Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг ўринбосари М. Усмонов савдода бозор нормаларига риоя қилиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича зарур чораларни кўрсинлар ҳамда қабул қилинган қонунлар ва норматив ҳужжатларнинг бажарилиши учун жавобгарликни оширсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 2 февраль

ТАЪМИНОТДА ТАРТИБ БЎЛСИН ДЕБ...

Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштиришни таъминлаш тўғрисида»ги 1995 йил 2 февраль қарори аҳолини энг зарур товарлар билан таъминлашда узилишга йўл қўймаслик, бу билан меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида муҳим аҳамият касб этади. Хўш, аҳоли таъминотида қатъий тартиб ўрнатиш, хизмат кўрсатишнинг бозор шаклларига ўтиш юзасидан жойларда қандай чоралар кўрилмоқда. Мухбирларимиз пойтахтимиздаги бир қатор савдо нуқталарида бўлиб ҳозирги аҳвол билан танишдилар.

Миробод туманидаги «Тинчлик» акционерлик жамияти 28-дўконидамиз. Одам кам. Харидорлар ўзларига керакли кундалик эҳтиёж молларни харид қилишяпти. Савдо дўконларида мажбурий бўлишлиги шарт бўлган 8 турдаги товарларнинг бор-йўқлиги бизни қизиқтирди.

— Ёғ ҳозир тугади, бўшаган идишни олиб кетишди. Тушдан сўнг яна ёғ бўлади. Қолган етти турдаги маҳсулотлар айни пайтда бор ва аҳолига сотиляпти, — деди ўзини шу дўкон бўлим мудири деятаништирган Ҳамида Раҳмонова.

— Сизларга талон тизимини қайтадан жорий этиш бўйича юқоридан бирон кўрсатма бўлганми?

— Бу ҳақда расман буйруқ олган эмасмиз. Яширмайман, баъзи нафақахўрларнинг илтимосига кўра уларни рўйхатга олган эдик. 8 турдаги озиқ-овқат турлари аҳолига декабрь ойида қанча тарқатилган бўлса, январда ҳам шунча миқдорда берилди. Кечадан бошлаб эса ана шу товарлар эркин нархда сотилаётир.

* * *

«Тошкент» гастрономига соат 12 ларда кириб келдик. Одам гавжум. Сотувчилар ҳаммаси жой-жойида. Сут-қатиқ, сарёғ, қаймоқ, пишлоқ ва бошқа кундалик эҳтиёжга зарур маҳсулотлар сероб. «Чимён» фирмаси маҳсулотлари ҳам қўйилган.

Пештахталарда турли хил ширинликлардан тортиб гўшт маҳсулотларининг барчаси муҳайё.

— Шакар келиб тушди, ҳозир савдога чиқарамиз, — деди ёшгина жувон — бакқоллик бўлими сотувчиси.

— Ўн сўмлик гугуртингиздан бериб юборинг, — деб мурожаат қилди ёнимиздаги харидорлардан бири. Сотувчи чаққонлик билан олиб берди.

Сотувда аҳоли учун энг зарур бўлган нонниг ўнга яқин тури бор.

Бу ерда кундалик эҳтиёждаги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларининг эркин савдосидан кўнгил таскин топади: пойтахт марказида жойлашган бу гастроном шаҳарликлар ва меҳмонлар учун энг қулай харид ўчоқларидан экани кўриниб турибди.

* * *

Мирзо Улуғбек туманидаги «Наво» номли 13-озиқ-овқат дўконида бўлдик. Харидорларнинг навбати анчагина эди. Уларнинг аксарияти шакар, совун, ёғ сингари кундалик эҳтиёж учун зарур истеъмол маҳсулотларини харид қилишга туришарди.

— Биз Вазирлар Маҳкамасининг «Республикада савдони эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1994 йил 14 декабрь қароридан сўнг, янги йилнинг илк кунларидан бошлабоқ эркин савдога ўтган эдик, — дейди дўкон мудирининг ўринбосари Моҳира Мусаева. — Тўғри, бу қарор жамоамиз ишчи ва хизматчиларини бироз шошириб қўйди. Масалан, аввалларидан талон билан аҳолига бир ойда 4 тонна шакар улашилган бўлса, эндиликда ҳафтасига ўшанча шакар сотилмоқда. Чунки дўконимиз марказда жойлашган. Шундоқ ёнимизда Олой бозори бор. Келиб-кетувчилар кўп. Энди биринчи навбатда қилинаётган ишимиз билан ҳар бир харидорнинг кўнглини ранжитмаслик чораларини кўряпмиз. Бунинг учун эса ўша қарор чиққан кунданоқ савдо ташкилотлари билан зарур 8 хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган озиқ-овқат корхоналари билан шартномалар тузишга улгурганлигимиз ишимизни бир маромда боришини таъминламоқда. Маҳалла қўмиталарида бу қарорнинг аҳамиятини тушунтириш ишларини олиб бораётганлиги эса бизга уларнинг катта ёрдамлари бўлмоқда.

Ҳа, Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтиш йўлини танлаган экан, бу борада асло чекиниш мумкин эмас. Мамлакатимиз раҳбарияти ўтиш даврида жазавали даволаш усулларидан воз кечиб, биринчи навбатда аҳоли манфаатини ҳимоя қилиш тадбирларини кўрмоқда. Юқоридаги қарорда алоҳида уқтирилганидек, олдинга қўйилган вазифани сўзсиз бажариш учун вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари шахсан жавобгардирлар. «Ўзбекистон овози» газетаси бундан буён ҳам Вазирлар Маҳкамасининг қарори жойларда қандай бажарилаётганлигини доимий назорат қилиб боради.

Ҳамид ИКРОМОВ,
Равшан ШОДИЕВ,
Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.

«МУЛОҚОТ»ДА МУЛОҚОТ

Партиямиз Марказий Кенгашининг «Мулоқот» ижтимоий-сиёсий, тарихий-бадиий ва миллий журналига муассис бўлганлигини илгари хабар қилган эдик.

Шу муносабат билан журнал таҳрир ҳайъати янги таркибининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда иштирок этган Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов партиямиз ташкилотларининг Ўзбекистон ХДП дастурий мақсадлари, Миллий истиқлол мафкураси қоидаларини ҳаётга тадбиқ этиш борасидаги серқирра фаолияти ҳақида сўзлаб берди. Биринчи котиб Президент И. А. Каримов бошчилигида юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, Ўзбекистон ХДП нинг Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти маҳаллий идораларига ўтказилган сайловларда иштироки ва унда қўлга киритган натижаларга, сайловлардан кейин мамлакатда юзага келган ижтимоий-сиёсий ҳолат ва ХДП ташкилотлари-нинг долзарб вазифаларига, янги вазиятдан келиб чиққан ҳолда партиямиз матбуот органлари, жумладан, «Мулоқот» журнали таҳририяти олдида турган масалаларга тўхталиб ўтди.

Журнал бош муҳаррири Барот Бойқобилов ойнома ижодий жамоасининг фаолияти ва режалари тўғрисида гапирди.

Мажлис қатнашчилари журнал таҳририятининг иш режалари юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИНИНГ БОШ КОТИБИ БУТРОС БУТРОС ҒОЛИЙ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Бош котиб,

БМТ Халқаро Болалар жамғармасининг ижрочи директори жаноб Жеймс П. Грант бевақт вафот этгани тўғрисидаги хабар мени чуқур қайғуга солди. Биз у билан яхши таниш эдик.

Халқаро Болалар жамғармаси Ўзбекистонда эришган ажойиб ютуқлар унинг номи билан боғлиқ, деб биламан.

Жаноб Жеймс П. Грант кўпчилик ватандошларим қалбида ёрқин хотира қолдирган.

Бу бегараз, эзгу ниятли инсон кунгли очиқлиги, болалар ва оналарга ёрдам беришга доимо тайёрлиги билан ажралиб турар эди.

Жаноб Бутрос Ғолий, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг атоқли арбоби Жеймс Грант вафоти муносабати билан чуқур таъзиямизни қабул қилгайсиз.

Сизга ҳурмат билан,

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 3 февраль.

ХДП — ташаббускорлар партияси

— Автобусда гурунг бошланди.

— Эшитдингми, Ғанижон уйида дукон очибди.

— Ҳа, унинг тўртта фарзанди бор. Оиласи аҳил. Уларнинг маҳалласида бирорта ҳам дукон йўқ эди. Энди маҳалладошлари жуда хурсанд, узоғимизни яқин қилди, дейишяпти.

— Отасига раҳмат. Жамоа хўжалигига партия котиби булгач, ўз ташаббуси билан қишлоқнинг учта катта гузарида бозорчалар очдирди. Уларда ҳамма нарса муҳайё.

— Ғанижон уйида нафақат хусусий дукон, балки кичик пойабзал цехи ҳам очган. Ўғиллари эдиқдузлик касбини ўрганишди. Улар ҳозир камёб болалар пойабзаллари тикиб, қишлоқ болаларини таъминлашяпти.

— Ғанижоннинг касби улуғ. Маҳаллада ғишт заводи қурди.

ИШ БИЛГАН КОТИБ...

Икки нафар қўшниси билан ҳамкорликда йил буйи хом ғишт тайёрлаб, арзон нархларда одамларга сотишяпти. Бунга ҳам Ғанижон бош.

— Жамоа хўжалиги ҳаммомини ҳафтанинг маълум кунида ўқувчиларга бепул хизмат кўрсатадиган қилиб қўйди азамат, — дея гапга аралашди зиёлинамо киши.

Автобусдагилар тинмай фазилатларидан сўйлаётган киши Боғдод туманидаги Ҳазиний номли жамоа хўжалиги бошланғич партия ташкилоти котиби Ғанижон Абдуллаев бўлади. У ташкилотчи, иш кўзини биладиган, одамлар билан тез тил топишадиган инсон. Партия аъзоларини белгиланган вазифаларни бажариш учун тўлиқ сафарбар қила олади. Шу боис ҳам Ҳазиний номли жамоа хўжалигида ХДПнинг обрўйи катта. Атрофига юздан ортиқ партия аъзосини жамлаган бошланғич партия ташкилоти ўтган йили 20 кишига кўпайди. Ғанижон чуқур иқтисодий ислоҳотлар кечаётган ҳозирги шароитларда ХДП аъзоларини янгиликларни тезроқ ўзлаштириб олишга, замон талаблари асосида иш юритишга чорлайди. Мустақил республикамиз учун ташаббускор, ҳалол, пок, чинакам меҳнаткаш кишилар зарур, дейди у. Котиб сифатида ўзи бу борада намуна кўрсатишга интилади. Дарҳақиқат, ўз уйида дукон, устахона, шунингдек, ғишт заводи ҳам қуриб, уларнинг самарали ишлашини таъминлаш битта партия ташкилоти котиби учун осонми?

Уйда тинчи бўлсин йигитнинг аввал, деган экан шоир. Ғанижоннинг оиласи қишлоқдаги энг тинч, тотув, тўкис оилалардан бири. Фарзандлари одоб-ахлоқли, меҳнаткаш. Ғанижон ва Зайнабхон Абдуллаевалар хонадони Боғдод туманидаги энг намунали оила номига сазовор бўлган. Фарғона вилоятида ўтказилган «Энг яхши оила» кўрик танловида ҳам бу оила фахрли ўринни эгаллади.

—Ғанижон Абдуллаев ташаббускор, ҳаракатчан котибларимиздан, — дейди Ўзбекистон ХДП Боғдод туман кенгашининг биринчи котибаси Замира Юсупова. — Бўлиб ўтган сайловлар мавсумида у раҳбарлик қилаётган бошланғич ташкилот жуда самарали ишлади. Партиямиздан кўрсатилган деярли барча номзоллар сайланди. Ғанижоннинг ўзи эса обрули рақибларни ютиб чиқиб, вилоят кенгаши депутати бўлди.

Боғдоддан қўнғироқ қилиб қолишди. Ҳазиний номли жамоа хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилиши ишбилармон котиб Ғанижон Абдуллаевни хўжалик бошқаруви раиси этиб сайлабди. Бу нафақат Ғанижонга, балки ХДП бошланғич ташкилотига ҳам кўрсатилган юксак ишончдир.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Пойтахтимизнинг Ўзбекистон ХДП Юнусобод тумани кенгаши фаоллари маҳаллаларда, хусусий корхоналарда кўпроқ бўлиб, бошланғич ташкилотлар билан бирга ҳудудий партия ташкилотларига ҳам эътиборни қаратяпти. Бу билан улар партия нуфузини янада ошириш пайида бўлишяпти.

Яқинда тумандаги «Наврўз» маҳалласида «Чеҳраи-ҳуси» хусусий савдо дўкони иш бошлади. Дўконнинг очилиш маросими тантаналарга уланиб кетди. Шу куни Юнусобод туман партия кенгаши биринчи котиби Маъруф Усмонов дўконнинг беш нафар аъзосига партия билетларини топширди.

СУРАТДА: Ўзбекистон Халқ демократик партияси билетларини топшириш пайти акс эттан.

А. ТЎРАЕВ олган сурат.

Ислоҳот ва сабоқлар

«ЯНГИ ҲАЁТ» ЯНГИЛАНИШ ЙЎЛИДА

«Янги ҳаёт» хўжалиги раҳбари Шуҳрат Тўрақуловнинг иш кабинетидамиз. Журналист одатда факт ва рақамларга қизиқади. Хўш, режа қандай бўлди, бу йил қандай бўлади, дегандай. Аммо Шуҳрат аканинг дардига қўшилмай илож йўқ.

— Ҳамма нарса деҳқонга боғлиқ бўлсайди, — дейди у. — Меҳнат қилинди, тер тўкилди, аммо... Асли кузнинг ёғин сочинли келиши шудгор ишларимизни тўхтатиб қўйди. Нима бўлди — баҳорда ер ҳайдадик — ҳосилдорлик минг қилсаям пасайди. Одамлар билишади — шуни бажарсак косамиз оқаришини, аммо нима қилишсин.

Умумий якунлар ёмон эмас. Чорванинг буромаддан даромади авж кела бошлади. Аммо бу борада ҳам муаммолар йўқ эмас. Ёқилғининг бир литрига фалон сўм тўлаб олиб келиб ишлатасиз, техника харажатлари, ем-хашак...

Биласизми, таннархи ҳисобланганида бир литр сут қанчага тушишини... Ношукурчилик эмас-у, бир қизиқ факт-да: Америка Қўшма Штатларидай бой мамлакатда, айтишларича, биргина қишлоқ секторига бюджетдан маблағ ажратилар экан. Биргина шу соҳага...

— Ўтган йили якун бўйича уч юз минг сўм фойда олдик, — дейди раис. — Бу энди шу хўжаликнинг кунига яраши лозим бўлган маблағ-да. Катта омборхона қурдик, чойхона, ҳаммом иш бошлади. Беш километрлик масофада ичимлик суви муаммоси ҳал этилди. Газлаштириш ишлари кетаяпти. Ишқилиб, халқнинг шахсий чорваси бор. Дала-даштяйлов томондан имкониятларимиз кўпроқ. Шу масалада омадимиз чопган. Дарвоқе, бир муаммони эслатиб ўтсам яхши бўлардида.

— Марҳамат.

— Қаранг-да, биз, яъни хўжаликлар давлатдан олган қарзимизга нафақа тўлаймиз. Энди қоидаси шунақа. Вақт ўтади. Инфляция деган гап бор. Аммо пахта тозалаш заводи деган ташкилот бор, хўжалигимиздан бир миллион сўм қарздор. Э, у қачонги бир миллион. Аммо қизиғи шундаки, завод бир кун келиб ўша бир миллионнигина тўлайди. Ўртадаги тафовут эса тўланмай қолади. Ким азият чекади, албатта, куйиб-пишиб меҳнат қилган деҳқоннинг чекига тушади бу. Пилланинг ҳам пули ҳалигача тўлангани йўқ. Булар пешона теримизнинг маблағлари.

Ҳа, муаммолар талай. Аммо Жиззах туманидаги «Янги ҳаёт» хўжалигида энг асосийси эртанги кун умиди ёрқин. 1050 гектар ерга кузги дон экилди. Кузги шудгор ишлари туманда биринчи бўлиб якунланди. Раиснинг ҳам орзулари мўл. Хўжаликнинг маъмурий биносини ишга туширириб олгач, қанд, консерва ва вино маҳсулотларини хўжаликнинг ўзида тайёрлашни йўлга қўйиш режаси бор. Биринчи навбатдагиси аҳолини тўлиқ табиий газ билан таъминлаш.

«Янги ҳаёт»нинг янги ҳаёти ана шундай ширин орзу ниятлар асосига қурилади, иншоллоҳ.

Ҳусан ЭРМУҲАММАД,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БОЗОР КЎРГАН ЙИГИТ

Куйганёрда шундай корхона бор: иши тушган одам бу ерга бир умр боғланиб қолади. Ишчан жамоанинг холис хизматидан кўнгил узиб кетолмайди. Ижарадаги 3-автотранспорт корхонасининг қисқа вақт ичида оёққа туриб, тилга тушишига ҳам аслида шу омил сабабчи бўлди: мижозлар билан ишни тўғри ташкил этгани боис равнақ топа бошлади. Хизмат соҳасини кенгайтиришга эришди. Эндиликда бу ерда амалга оширилаётган ҳар бир янгилик тўлалигича жамоа шуҳратига шуҳрат қўшмоқда. Унинг ютуқларини кун сайин бойитиб боряпти.

— Асака ва Оқёр таъмирлаш заводлари базасида ташкил этилган корхонамиз иши энди юришганда танг аҳволда қолди. Турдош жамоалар ўз транспорт воситаларини қайтариб олишди, — дейди автотранспорт корхонасининг директори Маҳаммаджон Ҳамдамов ўтган қийинчиликларни эслаб. — Ташландиқ, қаровсиз жойни ишхонага айлантириш учун чекаётган заҳматимиз ёнига 35 та машинани ёнилғи билан таъминлаш, маблағ топиш ташвиши ҳам қўшилди. «Ўзтуркакуммаш» қўшма корхонасининг раҳбари Анвар Қаюмов бизни ўз қанотига олиб, амалий ёрдам кўрсатди. Унинг кўмаги билан бир йил ичида ўзимизни ўнглаб олдик. Қўшма корхоналардан олинган маблағ ва эҳтиёт қисмлардан тўғри фойдаланиш ҳисобига 35 кишилик жамоамизни сақлаб қолдик.

Ҳар қандай яхши ишнинг бошланиши шундай қийин кечади. Эндиликда 90 киши ишлаётган меҳнат жамоасидаги ишчанлик кайфиятини кўриб, корхона раҳбарининг дили яйрайди. Қилган ҳаракати зое кетмаганидан қалби тўлқинланарди. Атрофни яшнатиб турган мевали дарахтлар соясида улар билан бир пиёла чой ичиб, суҳбат қурган кезлари ҳамма ташвишларни унутиб юборади. Яқин икки йил ичида автотранспорт корхонаси ўзининг маъмурий биносига эга бўлди. Омборхона қурди. Нефть маҳсулотлари сақланадиган махсус жойни ишга туширди. Бир гектар ерда ташкил этилган боғдаги кўчатлар ўзини тутиб, ҳосил берди. Бу ишларнинг ҳеч бирига четдан маблағ ёки ёрдам талаб қилингани йўқ. Ҳаммаси жамоанинг ўз кучи билан амалга оширилди. Ҳайдовчиларнинг ишдан бўш вақтида уюштирган ҳашаридан ҳеч ким четда қолмади.Янги қурилишлар Андижон туманидаги саноат корхоналарига қурилиш, савдо ва алоқа ташкилотларига буюртма асосида транспорт хизмати кўрсатаётган бу ишчан жамоага ўз имкониятларини янада кенгайтириш имконини беради. Корхонада янги тармоқ—тикувчилик буюмлари ва қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Янги хизмат турларига талаб кучайди. Маҳсулотлар қўлмақўл бўлиб кетди. Тикувчилик цехида ишлаётган 20 нафар чевар мижозлар буюртмасига мувофиқ иш олиб боради.

Хом ашё тақчиллиги уларни ҳеч қачон ташвишлантирмайди. Товар айирбошлаш ҳисобига бу ерда ҳамма нарса ҳозиру нозир этилган. Бунга корхонада етарли шарт-шароит бор. Тикувчилик маҳсулотлари билан бир қаторда эшик, дераза, ром ишлаб чиқарилмоқда. Қурилишбоп говакли ғишт, бетон блоклар тайёрланяпти. Шу билан бирга мижозларга ташкилот ва муассасаларга қурилиш-монтаж ишлари бўйича пуллик хизмат кўрсатилмоқда. Бу хизматдан кўрилган мўмай даромад корхонани ривожлантиришга, ҳайдовчи-техник ходимларнинг иш шароитини яхшилашга сарфланяпти.

Жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида жамоа юз миллион сўмдан зиёд даромад қилди. Бу маблағнинг бир қисми айни ишчиларга овқат пули сифатида тарқатилмоқда. Ҳар бир кишининг тушлик учун олаётган бир ойлик пули 150 сўмни ташкил этяпти, ўртача маош ҳам 350 сўмдан кам бўлгани йўқ. Изланганга толе ёр, деб шуни айтадилар-да! Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас. Корхонада эндиликда ёрдамчи хўжалик ташкил этилмоқда. Боқувга олинаётган мол-қўйлар сўйилиб, жамоа аъзоларига арзон нархда тарқатиляпти. Туман марказида очилаётган янги тармоқда эса автомобилларга техник хизмат кўрсатиш мўлжалланмоқда.

Автотранспорт корхонасининг директори Маҳаммаджон Ҳамидовга доим омад келтирадиган ўз иш услуби бор. У кўпроқ таваккалчиликни ёқтиради. Ўзи ҳамкорлик қилаётган корхоналар билан яқин алоқани тобора мустаҳкамлаб боради. Буни тушуниш қийин эмас. Унинг таъбири билан айтганда, ҳозир корхоналар бирлашиб ишламаса иш юришмайди. У хоҳ давлатники бўлсин, хоҳ хусусий — барибир. Ахир бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар деб бежиз айтилмаган-да. Бу айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, иқтисодий ислоҳотлар даврида жуда ҳам муҳим.

Оқил, доно, ишчан раҳбар хоҳ катта, хоҳ кичкина иш жойида бўлсин, ўз жамоасини ўйлайди. Бор нарсани топиб ишни юргизишга ҳаракат қилади. Яратиш, яшнатиш ишқи билан банд бўлади. Бу масъулият Маҳаммаджонни доимо изланишга, интилишга даъват этмоқда.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Луқма

БАНДАСИДАН ҚЎРҚМАСАНГИЗ ҲАМ...

Сирғали туманининг Қўйлиқ даҳаси 6-мавзесидаги озиқ-овқат дўконларининг бирида Хитой чойи қаторида биринчи навли Индонезия чойига кўзим тушди. Ундан харид қилмоқчи бўлдим.

Афсус, кечикибман. Бўм-бўш қутилар қолган экан, холос. Сотувчи аёл:«Вой, ўлсин. Самарқандда қадоқланган-да. Ичи бўш қутиларни ҳам яшикка тахлаб юборишибди» деди.

Куни-кеча Миробод туманида жойлашган 15-сонли озиқ-овқат дўконида ҳам худди шундай манзарага дуч келдим. Сотувчи Замира Абдукаримованинг ҳасратидан чанг чиқиб, бир яшикдан ўнтагача бўлган елимланган бўш қутилар чиқаётганлигини гапириб қолди.

Сўнгра «Ўзозиқовқатсаноат» концернининг Самарқанд чой қадоқлаш фабрикаси муҳри босилган, оғирлиги 125 грамм, нархи 10 сўм 50 тийин бўлган Индонезия чойини харид қилмоқчи эдим. Дўкончи пулимни қайтарди. Сабаби, яшикда қолган чой қутиларининг ҳаммаси бўш эди. Аммо, қутилар рисолада-гидек елимлаб қўйилган. Шаҳримиздаги сотувчилар ва харидорлар ўртасида бу машмашалар ҳар қадамда учраётганлигини Самарқанд чой қадоқлаш фабрикасидаги мутасаддилар билишармикан?!

Уларга бандасидан қўрқмасангиз ҳам Худодан қўрқинг, дегим келади.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шу кунинг нафаси

Янгиликлар воқеалар хабарлар

Бойлигимиз

НУРОТА МАРМАРИ

НАВОИЙ. Нурота нафақат чорвачилик ёки қорақўлчилик, балки тарихий обидалар-у, ёдгорликларга бойлиги билан ҳам ажралиб туради.

Ғозғон ва Зарбанд конларидан қазиб олинаётган кўк ва оқ мармар Нурота шуҳратини оширмоқда. Нодир ва ярим нодир тошлар сирасига киритилган мармаримиз сифати жиҳатидан хорижда ҳам ўз харидорини топмоқда. «Нуротамармар» корхонаси билан ҳамкорликда ишлаш, кўчма корхоналар очиш истагини билдираётган чет эл фирма ва компаниялари кўпайиб бормоқда. Нурота мармари ҳозир Болгариянинг энг сара мармари билан ҳам рақобатлашмоқда. Бу юксак баҳс мармаримизни янада қадрлаш, маҳсулотни қайта ишлаш заводи қуришини тақазо этади.

Музаффар ШАРОПОВ.

Ишбилармонлик

АРЗОНГА СОТИЛМОҚДА

БУХОРО. «Шофиркон» жамоа хўжалигидаги консервалаш корхонаси ишчилари қишда ҳам қўл қовуштириб ўтиришмаяпти. Бу ерда рўзғорбоп супургилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Уйлаб қарасак, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Н. Исомов — чойжўхори уч тарафлама фойдали экан. Ундан дон, чорва озуқаси олиш билан бирга супурги тайёрласа ҳам бўларкан. 2 гектар ерга ана шундай жўхори эккан эдик. Ҳозир бу жуда қўл келмоқда. 7 киши минг донадан кўпроқ супурги тайёрлаб қўйишди. Биз уларни жамоа аъзоларига арзон нархларда сотмоқдамиз.

Даврон БАҲРОНОВ.

Ишлаб чиқариш

САНОАТБОП МАҲСУЛОТ

НАМАНГАН. Кимё заводида ишқор-кўмир реагенти моддаси ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Бу маҳсулот нефть-газ қазиб чиқариш ишларида кенг фойдаланилади. Илгари бундай модда Украинадан келтирилар ва қимматга тушарди. Заводда «Ўзбекнефтгазгеология»га қарашли тажриба экспедицияси ва унинг қошидаги илмий ишлаб чиқариш фирмаси билан шартнома асосида ўтган йил охирида 10 тонна ана шундай модда тайёрланган эди. Маҳсулот Мингбулоқда тажрибадан ўтказилиб, ижобий баҳоланди. Янги моддани кўплаб ишлаб чиқаришга киришилди.

Раҳимжон ИРИСОВ.

Санъат

«ШУМ БОЛА» ҚАРШИДА

ҚАШҚАДАРЁ. М. Тошмуҳамедов номли мусиқали драма театрида атоқли адиб Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» асари асосида саҳналаштирилган театр томошаси бўлди.

Саҳна асари кино ва бошқа театрларда қўйилган «Шум бола» томошасидан ўзига хос бўрттирилгани билан фарқ қилади. Бош ролларни ижро этган И. Бутунов, Д. Каромов, Е. Раҳимов, О. Исмоилов, Ҳ. Амирқулов ва бошқалар яратган образлар жонли ва таъсирчанлиги билан мухлисларга маъқул тушмоқда. Театрнинг бош режиссёри Жаббор Тошевнинг изланишлари зое кетмади. «Шум бола»ни томошабинлар олқишламоқдалар.

Илҳом КАРОМОВ.

Бозор иқтисодиёти билан юзма-юз

КУЧ -- БИРЛИКДА

Биз «Қарши қурилишиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлганимизда тадбиркорликда гап кўп эканлигига ишонч ҳосил қилдик. Бирлашма ўз тасарруфига кўплаб завод ва корхоналарни бирлаштирган. Улардан темир-бетон, панелсозлик, керамзит ишлаб чиқариш, ёғочни қайта ишлаш, шағал саралаш заводлари, 2 та автокорхона, 3та қурилиш корхонаси жамоаларининг улуши билан Қарши шаҳрида янги-янги турар жой даҳалари пайдо бўлди.

Халқимизда бир нақл бор: куч бирликда. Ҳақиқатан ҳам бирлашмада эришилаётган барча ютуқлар шунинг натижаси эканлигини алоҳида айтиб ўтишимиз жоиз. Чунки бирлашма тасарруфидаги завод ва корхоналарнинг бири темир-бетон плиталар етказиб берса, иккинчиси сувоқ ишлари учун аралашма ёки эшик-дераза сингари зарур қисмларни қурилиш бораётган жойларга ўз вақтида етказиб бермоқда. Шу боисдан бирлашманинг саноат ишлаб чиқариш қуввати кун сайин ошиб, 5 минг нафар меҳнатчининг турмуш шароити яхшиланиб бормоқда. Муҳими, ишчиларнинг манфаатдорлиги ошмоқда. Ишчи ва ходимларнинг маоши ўртача 1000-1200 сўмни ташкил этмоқда.

— Ғишт ишлаб чиқарадиган заводимизда покистонликлар билан ҳамкорликда терини қайта ишлашни ҳам йўлга қўйганмиз, — дейди бирлашма бош директори Шуҳрат Бегматов. — Янги маҳсулотдан сифатли чарм тайёрланаётир. Ахир ўтган йилда биргина чарм ва уни қайта ишлашдан озмунча даромад олдикми!

Бирлашмада аввало, маҳсулот сифатига эътибор бериляпти. Қўшни мамлакатлар ишбилармонлари билан ҳам тил топишишмоқда. Иккинчидан, айрибошлаш усули яхши йўлга қўйилганлиги ижобий самаралар бермоқда. Масалан, Россия, Италия, Туркия, Покистон каби мамлакатлар билан ҳамкорлик уфқлари кенгаймоқда. 240 минг квадрат метр темир-бетон, 20 миллион дона ғишт, 120 минг куб шағал саралаш, 290 минг квадрат метр сифатли дурадгорлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга муваффақ бўлинди.

«Қаршиқурилишиндустрия» бирлашмаси меҳнат аҳли 40 минг квадрат метр кўп қаватли, 1 минг квадрат метрга яқин коттеж типидаги уйларни қуриб битказиш режаси билан енг шимариб ишга киришган. Биз уларнинг бу фидокорона меҳнатига омад тилаймиз. Савоб ишнинг этагини тутган кишиларнинг қўллари дард кўрмасин!

Раъно ТОЖАЛИЕВА,

***

Суратда: бирлашма раҳбари Шуҳрат Бегматов янги турар жой даҳаси бунёдкорлари билан суҳбатлашмоқда.

Дунё воқеалари

ЁРДАМ УЧУН МАБЛАҒ ТЎПЛАНМОҚДА

БМТ. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти жаҳон ҳамжамиятини Чеченистондаги қочқинларга ёрдам фаолиятини маблағ билан таъминлаш учун 24 миллион доллар йиғишга даъват этди. БМТ Бош котибининг расмий вакили Жо Силлс ўтган чоршанба куни шу ҳақда маълум қилди. БМТ қочқинлар ишлари бўйича олий комиссари ва БМТ ижтимоий масалалар бўйича департаменти қўшма миссиясининг хабарига қараганда, Чеченистондаги ҳарбий ҳаракатлар натижасида 400 мингдан зиёд аҳоли ўз хонадонларини ташлаб чиққан. Уларнинг аксарияти Чеченистон ҳудудига яқин жойда, қарийб 160 минг нафари эса қўшни республикаларда паноҳ топиб турибди.

ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ҒАЗАБИ

БИШКЕК. Қирғизистоннинг шимолидаги Норин шаҳри ўқитувчиларининг иш ташлаши давом этмоқда. Шаҳардаги 10 та мактаб ўқитувчилари ўтган йил октябрь ойидан буён ололмаган маошларини тўлашни талаб этмоқда. Шаҳар ҳокимлиги ва республика Маориф вазирлиги маблағ йўқлиги сабабли ўқитувчиларнинг бу талабини қондира олмаётир.

МАСЛАҲАТЧИНИНГ АЙТГАНИ

ЕРЕВАН. Грузия давлат раҳбарининг иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиси Зураб Коридзе Арманистон ва Грузия яқин 10 йил ичида МДҲ иқтисодий ҳудудида ривожланиши кераклигини айтди. У шунингдек, Арманистон ҳукумати ва республика ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашувлар чоғида савдо-иқтисодий масалалар муҳокама қилинганини таъкидлади.

МУДДАТ УЗАЙДИ

ТЕҲРОН. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Теҳрондаги ахборот маркази Тожикистон ҳукумати билан мухолифатдаги ҳарбий гуруҳлар ўртасида вақтинча яраш тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати узайтирилганини хабар қилди.

Синҳуа ахборот маҳкамасининг хабарига қараганда, Ислом тикланиш партияси раисининг биринчи ўринбосари Туражонзода БМТ Бош котиби Бутрос Ғолийга мактуб ёзиб, мухолифат битимининг амал қилиш муддатини 6 марттача узайтиришини маълум қилган. Мактубда шунингдек, бу муддат муҳим сиёсий масалаларни ҳал қилишда ўзаро мулоқотни давом эттириш имкониятини бериши таъкидланган.

ПОДШОҲНИНГ ҚАРОРИ

Марокаш подшоҳи Ҳасан II янги ҳукумат таркибини тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Шунингдек у, мамлакат бош вазири ва ташқи ишлар вазири Абдуллатиф Филали ўз лавозимини сақлаб қолаверади, деди.

Ўтган йилнинг июнь ойида А. Филали раҳбарлигида тузилган ҳукумат таркибининг кўпчилик қисми ҳеч бир партияга аъзо эмас.

КЕМАНИНГ ҲАЛОКАТИ

Эстониянинг Калининграддан Касабланкага йўл олган «Кабернэме» юк кемаси ҳалокатга учради. Ҳалокат сигналини биринчи бўлиб «Схидам» номли ҳарбий кема экипажи эшитган. 18 кишидан иборат юк кемаси экипажи қутқариб қолинди. Кема эса тузатиш учун Эймейден портига тортиб келтирилди.

ҲАМОН БУЗИЛМОҚДА

Буюк Британия ҳукумати Англия футболидаги порахўрлик, солиқ тўлашдан қочиш, молиявий қонунбузарликларни ошкора кўриб чиқиш ҳақидаги лейбористлар партияси вакили Кэйт Хои талабини кейинга суришга қарор қилди. У Англия футболининг олий лигасида аҳвол яхши эмаслиги, мамлакат футбол ҳаётини тартибга солиб турувчи қоидаларни бузиш одат тусига кириб қолганини таъкидлаб ўтди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 6

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Санъат усталари». Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Юнусов.
21.35 «Ижод завқи ва машаққати». Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад билан суҳбат.
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадур Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 7-қисм (Миср Араб Республикаси).
23.15 — 23.40 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Деҳқон ҳиммати».
19.30 «Экология ва ҳаёт».
20.00 «Само остидаги юлдузлар».
20.40—23.20 «Ҳаётга қайтиш». Бадиий фильм. 1-2-сериялар.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Ёшлик» студияси. «Гул ва ...»

*

«ОМАД» таништиради:
20.25 «Совға».
20.55 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
21.15 Эълонлар.
21.25 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
21.45 Видео — «О».
23.25 Эълонлар.
23.35 «Курьер».
23.55 «... яна об-ҳаво ҳақида».
00.10 — 00.20 «Постфактум».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Лабиринт». «Ҳамкорликкалити».
18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика).
19.55 «Агар...» Кўрсатувни В. Познер олиб боради.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Спорт уик-энди».
21.55 «Эксклюзив». «Қизил олтин».
22.35 — 23.50 Фигурали учиш. Европа чемпионати. Кўргазмали чиқишлар. Германиядан кўрсатилади.

СЕШАНБА, 7

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Дарёлар оқиб ўтган ўрмонда». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
11.00 Немис тили.
11.20 «Абу Исо Термизий». «Ўзбектелефильм». Премьера.
11.30 Ўқув кўрсатуви, Адабиёт.
12.00 «Ёшлик» студияси. «Бир ўлка-ки...»
12.30 — 14.30 «Кичкинтой» студияси. «Болалигим — пошшолигим».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Ёшлик» студияси. «Онамнинг ўгитлари».
18.40 «Ишбилармон».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Мусиқий дақиқалар.
19.40 Ойбек таваллудининг 90 йиллигига. «Адиб сабоқлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Фан фидойиси». Ўзбекистон Республикаси ФА мухбири аъзоси Г. А. Пугаченкова таваллудининг 80 йиллигига.
21.30 «Санъат усталари». Ўзбекистон халқ артисти Берта Давидова.
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадур Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 8-қисм.
23.15 — 23.40 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
19.15 «Жаҳон ҳайвонот боғлари».
19.35 Янгиликлар.
19.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.00 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.25 Видеогид.
20.45 «Теле-ателье-шоу».
20.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.35 «Кинонигоҳ».
23.15 — 23.35 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Қашф этилаётган имкониятлар».

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.25 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.25 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.45 «Дўстлик сарҳад билмайди».
22.25 «Буюкларга кўчган фалсафа».
22.55 — 23.10 «Би-Би-Си» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 «Веди».
18.30 «СБ» жумбоғи».
18.40 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.55 «Мавзу».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Илк манбадан».
21.50 — 23.40 Ғалабанинг 50 йиллигига. «Тирикларни чорлайман». «Бешинчи муҳр». Бадиий фильм (Венгрия, 1976 й.).

ЧОРШАНБА, 8

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Ҳали ҳаёт олдинда». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
11.00 «Фармон ва ижро».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
12.00 Янги алифбони ўрганамиз.
12.30 «Ёшлик» студияси. «Фахриймар — фахримиз».
13.20 Лирик концерт.
14.00 — 14.20 «Қишлоқ стадионларида».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.20 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».
18.45 «Шеърий дақиқалар». Нормурод Нарзуллаев.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Спорт хабарномаси.
19.35 «Ўзбекона лутф». Адабий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. «Экранда — Наманган вилояти».
21.40 «Сарви гулрў келмади...» «Баҳор» ансамблининг Навоий асарлари асосида тайёрлаган янги дастури.
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадур Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 9-қисм.
23.15 — 23.40 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Ўз ҳақингда гапир...»
19.00 «02» тўлқинида.
19.25 «Халқ саломатлиги йўлида».
20.10 «Бизнес — банк».
20.25 Концерт заллари бўйлаб.
21.10 Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. «Ёдингдами, дўстим...»
21.25 «Тошкент оқшомида».
22.25 — 00.40 «Соҳил». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Ёшлик» студияси. «Ёшлик ва замон».
20.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.15 — 00.15 «ОМАД» таништиради: «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.45 «Ким аслида ким?». XX аср. Ф. Шехтель.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.55 «Қишлоқ ҳаёти» Ю. Черниченко билан».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Монолог».
21.50—23.35 «Оғритиш усули». Бадиий фильм (Свердловск киностудияси, 1993 й.).

ПАЙШАНБА, 9

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Кўрқувнинг давоси». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
11.30 Ўқитувчилар, Сизлар учун!
12.00 «Биргаликда куйлаймиз».
12.30 «Ҳуқуқингизни биласизми?»
12.45 — 14.45 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультфильм.
18.25 «Ўзбек давлатчилиги тарихи».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Анъаналар этади давом». Мусиқий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Шеърият мулкининг султони». Алишер Навоий таваллудига бағишланган кўрсатув.
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадур Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 10-қисм.
23.15 — 23.40 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Жозиба».
18.55 «Бир шингил ҳангома».
19.05 «Ишингиз бароридан келсин!»
19.20 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.40 «Теле-ателье-шоу».
19.50 Видео янгиликлари.
20.15 Янгиликлар.
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 «Кинонигоҳ».
22.45 — 23.05 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Ислоҳот ва муаммо».
20.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

21.15 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
21.35 — 22.35 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 ... 16 ёшгача ва ундан катталар».
18.30 «Инсон ва қонун». Махсус сони.
18.45 «Ким аслида ким?». XX аср. Ж. Даррелл.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.55 «Эслашлари учун...» Л. Филатовнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 — 22.05 «Москва, Кремль».

ЖУМА, 10

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Бузоқ йили». Бадиий фильм.
10.20 «Ўлкамизда қиш». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Кимё.
11.00 «Ёшлар билан юзма-юз».
11.40 Ўзбек тилини ўрганамиз.
12.10 Немис тили.
12.30 — 14.30 «Синов даври». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Кўнгироқча».
18.40 Бизнес мактаби.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Ислоҳот ва масъулият».
19.45 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар...»
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
21.00 Бевосита мулоқот.
21.40 Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли ижросида Навоий ғазаллари билан айтиладиган ашулалар.
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадур Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 11-қисм.
23.10 — 23.35 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

18.30 Болалар учун фильм. «Сиёҳдон одам».

«Тошкент» студияси таништиради:
19.35 «Билиб қўйган яхши»,
19.50 «Уммондан томчи».
20.35 Ўзбек тасвирий санъатида Алишер Навоий образи.
21.10 «Тошкентнома».
22.10 — 23.40 Футбол. Европа суперкуботи. «Арсенал» (Англия) — «Милан» (Италия).

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

*

«ОМАД» таништиради:
20.45 «Компьютер — Осиё».
21.15 «Қирол репортажи».
22.05 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
22.25 «Даракчи».
22.35 Эълонлар.
22.45 — 00.30 Видео — «О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 «Инсон ва қонун».
18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Кўнгил ҳаловатга илҳақ...» А. С. Пушкинга бағишланган кўрсатув.
19.20 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
22.00 — 23.05 «Детективлар клуби»да. «Гурух». Телесериал (Франция). 5-серия.

ШАНБА, 11

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Товон тўлов». Бадиий фильм.
10.25 «Талаба ва спорт».
10.45 «Ёшлик» студияси. «Эзгуликка интилиб».
11.25 «Халқ ижодиёти». Оилавий ансамбллар телевизион фестивали.
12.05 Каратэ бўйича республика турнири.
12.45 Ўсмирлар учун. «Улғайиш поғоналари».
13.15 — 15.15 «Тимсол» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб...»
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 Лирик тароналар.
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Таниш чеҳралар». Кинокўрсатув.
21.50 «Дебют». Рошель Рубинов ва Ўктам Аҳмедов ижросида мумтоз ашулалар.
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадур Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 12-қисм.
23.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.20 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.45 «Жаҳон ҳайвонот боғлари».
10.05 Янгиликлар.
10.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
10.55 Видеогид.
11.15 «Теле-ателье-шоу».
11.25 Янгиликлар.
11.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.10 «Кинонигоҳ».
13.50 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
14.10 «Омад» тақвими.
14.15 «Жозиба».
14.25 «Бир шингил ҳангома».
14.35 «Ишингиз бароридан келсин!»
14.50 «Муҳаббатга ошно қалблар».
15.10 «Теле-ателье-шоу».
15.20 Видео янгиликлари.
15.45 Янгиликлар.
15.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
16.35 «Кинонигоҳ».
17.55 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
18.15 Телефильм.

*

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.10 «Акс-садо». Рустам Саъдуллаев.
19.40 — 22.35 «Спорт — тайм» видеоканали:
— Соккер-клуб».
— «Лидер».
— «Арт-спорт».
— Юниор».
— «Кинематограф».

ЎзТВ III

10.00 «Кафолат».

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.30 «Жонли сайёра».
10.50 Хитой санъат усталарининг концерти.
11.30 — 12.20 «Олтин атиргул ғори». Кўп серияли телевизион бадиий фильм (Италия). 1-серия (рус тилида).

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

19.55 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
20.20 «Ўзбекистон ҳамкорлик йўлида».
21.05 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.20 «Умид» (уйғур тилида).
21.55 «Бу ажиб дунё».
22.15 — 23.30 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.35 «Ҳайвонот оламида». Ҳайвонот боғларининг ҳаёти (АҚШ).
18.15 «Театр+ТВ». Лия Ахеджакова ва унинг қаҳрамонлари...
19.00 «Улкан сайёра».
19.50 «Бешинчи бурчак». Телесериал (АҚШ, «Коламбия пикчерс»). 1-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 — 23.15 «Каин ва Авель». Телесериал (АҚШ, «Коламбия пикчерс»). 1-серия.

ЯКШАНБА, 12

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Қувноқ стартлар».
9.45 «Шодлик тароналари» Фильм-концерт.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
10.30 «Ҳужжатли экран».
11.10 «Алдагани хотин яхши». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
12.40 — 14.40 «Санъат сеҳри». Мусиқий видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Сеними, шошмай тур!» Мультфильмлар.
18.25 «Санъат ғунчалари».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ҳафтанома» (рус тилида).
19.30 Эълонлар.
19.35 «Ойнаи жаҳонда...»
19.55 «Тасвир». Кинокўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Танбур». Телефильм.
21.25 «Олтин қанот қушлар учсин». Ҳаво йўллари кунига бағишланган кўрсатув ва концерт.
22.30 Муборак Рамазон туҳфаси. «Муҳаммадур Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 13-қисм.
23.10 — 23.40 «Ҳафтанома».

ЎзТВ II

17.00 «Совға».
17.30 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
17.45 Жаҳон географияси.
18.35 Панорама.
19.05 Эълонлар.
19.10 Видео — «О».
20.50 Эълонлар.
20.55 «Курьер».
21.15 «... яна об-ҳаво ҳақида».
21.25 «Постфактум».
21.35 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
21.55 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.35 «Даракчи».
22.45 Эълонлар.
22.55 — 00.35 Видео — «О».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Ташрифлар ва таклифлар».
10.30 «Гўзаллик ва абадият ҳақида».
11.00 «Олтин атиргул ғори». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус тилида).
11.50 — 12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.10 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
20.35 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.35 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.50 «Интердиалог».
22.30 «Подиум».
22.55 — 23.10 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.25 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан).
18.30 «Уолли қаерда?», «Питер Пуш». Мультфильмлар (АҚШ).
19.30 «Бутун Россия». Нижегород тароналари.
20.00 «КВН-95». Сочида бўлиб ўтган «Кивин-95» — «КВН» командаларининг VI халқаро фестивали.
22.00 — 22.50 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатуви.

Ислоҳот одимлари

«ЗАНГОРИ ОЛОВ» ТАФТИ

Ҳозирги турмушимизда табиий газнинг қанчалар аҳамиятли эканлигини ортиқча тушунтириб ўтиришга асло ҳожат йўқ. Лекин қишлоқларимизнинг анчагина қисмига ҳали «зангори олов» етиб бормагани сир бўлмаса-да, бу борада аниқроқ маълумот ёки бирон янгилик олиш ниятида «Ўзбекгазқурилиш»нинг 1-трести бошлиғи Воҳид Содиқов билан суҳбатлашдик.

— Воҳид ака, республикамиз Президентининг аҳолини тоза ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги Фармони қандай бажариляпти?

— Трестимиз учун 1994 йил қутлуғ келди. Сабаби айнан шу йил мобайнида республикамизнинг шимолий нуқтаси — Хоразм вилоятининг Гурлан туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигига ҳам газ қувурлари етиб борди. Вилоят бўйича газлаштириш 91,7 фоизга кўтарилди.

Тўғри, ҳозир шароит нисбатан оғир, лекин шунга қарамай ушбу Фармон чиққандан сўнг республикамизда газлаштириш ишлари бўйича ўнлаб йилга татигулик ишлар бажарилди.

Бундай дамларда давлат маблағига кўз тикиб ўтиришдан фойда йўқ. Таъкидлаш жоизки, узоқни кўра биладиган, ўз элининг муаммоларини ҳал этишга енг шимарган туман ва хўжалик раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари бизга қанот бўляпти. Ҳозиргача республикамиз бўйича газлаштириш 55,8 фоизни ташкил этади, жорий йилда мазкур кўрсаткич 60 фоизга чиқиши кўзда тутилмоқда. Мақсадимиз 2000 йилгача қишлоқларни тўлиқ табиий газ билан таъминлашдан иборат.

1993 йил якунида бу рақам бор-йўғи 38 фоиз бўлганини ҳисобга олсак, мўлжал асосли эканлигига ишониш мумкин.

— Зарур ашёлар, масалан, электрод, қувурлар масалалари қандай кечяпти?

— Ишимизнинг белига тепаётган бир муаммонинг олди олинди. Украинанинг Восток шаҳри газ қурувчилари билан ҳамкорликда қўшма корхона туздик. Олтиариқда қурилган бу мажмуа яқин кунлар ичида қурувчилар ишида зарур бўлган пайвандлаш ашёси — электрод ишлаб чиқара бошлайди. Қувурлар масаласини ҳам иложини топган хўжаликлар Россия шаҳарлари билан келишган ҳолда тўғридан-тўғри мавоза усулида келтиришяпти. Бунга имкони йўқлар тегишли ташкилотларга буюртма бергани маъқул.

— Ишчиларнинг кайфияти қалай?

— Бизда ишлайдиган 2000 кишининг уй-жойи трест ҳисобидан хусусийлаштириб берилди. Учта ёрдамчи хўжалигимиз ишчиларни гўшт, мева ва сабзавот билан таъминлаб турибди.

Трестнинг ўз илғорлари бор. Урганчдаги 1-кўчма колонна бошлиғи Ҳасанбой Мадалиев, Фарғонадаги 4-кўчма колонна бошлиғи Анваржон Акрамов, Андижондаги 3-кўчма колонна бошлиғи Убайдулла Юсуповлар шулар жумласига киради. Бу жамоанинг тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у ташкил этилгандан буён 1338193 хонадонга «зангори олов» улашилди. Бу режага нисбатан 5000 хонадон кўп демакдир.

Трестнинг саховат соҳасида олиб бораётган ишлари ҳам таҳсинга лойиқ. Жамоа пойтахтдаги 35-мактабдаги беш нафар етим боланинг бошини силаяпти. Нафақахўрларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор ибратли тадбирлар ўтказилмоқда.

***

Дарвоқе, бошлиқ ҳақида икки оғиз калом айтсак. Воҳид ака асли Фарғонанинг Олтиариғидан. Ота касби нефтчи бўлгани учунми, шу соҳага меҳр қўйди. Меҳнат фаолиятини 1941 йил кичик таъмирловчиликдан бошлади. Сўнг цехда уста, партком, механик, бригадир, прораб бўлиб ишлади. Ҳам қурилишда, ҳам ишлаб чиқаришда меҳнат қилиб, элга танилди. 1963 йили Москвада олий партия мактабини тугатиб келиб, Фарғона вилоят партия қўмитасида, 1971 йилдан узлуксиз ўн йил Ўзбекистон озиқ-овқат саноат вазири бўлиб ишлади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими унвонига эга. Уч марта Ўзбекистон Олий Кенгашига депутат бўлиб сайланган.

Нарзулла ШОНИЁЗОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТ АКЦИОНЕР-ТИЖОРАТ БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1991 йил 1июль 1531/18-рақамли лицензияси.
Эмиссия проспекти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида рўйхатга олинган.
1994 йил 18 июлдаги 06-01-85 рақамли қайднома.

ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТ МАЖМУИ — РЕСПУБЛИКАДА САРМОЯЛАРИНИ ЭНГ МАФФАТЛИ ЖОЙЛАШТИРИШ СОҲАСИДИР!

ХОЗИРДА БАНК:
— Низом сармояси 100 000 000 сўмни ташкил этади;
— Ўзбекистон Республикаси банклари ичида етакчидир;
— Республикадаги банк операцияларининг иккитадан биттасини амалга оширади;
— Республика бўйича 188 та бўлимга эга;
— 12 ой ичи мобайнида унинг Низом сармояси 6 мартадан кўпроқ ўсди.

ТАЪСИСЧИЛАРИ 41 ТА ЮРИДИК ШАХС БЎЛИБ, ҚУЙИДАГИЛАР УЛАРДАН ЭНГ ЙИРИКЛАРИДИР:
1. Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл тумани "Сари олтин" жамоа хўжалиги.
2. "Ўздавпахтасаноатсотиш" ассоциацияси.
3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги.
4. Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки.
5. Россия "Деҳқонсаноатбанки".
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат суғурта бошқармаси.

"ЎЗДЕҲҚОНСАНОАТБАНК"НИНГ АКЦИЯДОРЛАРИ БЎЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Акциялар нақд кўринишда чиқарилган. Ҳар бир акциянинг номинал қиймати — 1000 сўм.
Акцияларга "Тошкент" фонд биржасида нарх белгиланади. 1995 йил 1 февралга келиб акцияларнинг курс қиймати 1270 сўмни ташкил этди.
Акциялар Тошкент шаҳар, Муқимий кўчаси, 43-уй ("Ҳамза" метро бекатига яқин), 53-хонада, шунингдек, банкнинг республика барча вилоят ва туманларидаги бўлимларида сотилади.

Мурожаат учун телефон/факс: (3712) 78-10-94.

"ЎЗДЕҲҚОНСАНОАТБАНК" АКЦИЯЛАРИ - БУ СИЗНИНГ САРМОЯНГИЗ!

Тадбиркорлик

КОРХОНАДА ЯНГИ ЦЕХ

Оқолтин туманидаги дон маҳсулотлари комбинатида ун қопларини тикиш, эскирганларини таъмирлаш цехи фаолият кўрсата бошлади. Эндиликда бу корхонага катта иқтисодий самара келтирмоқда. Натижада, авваллари 30-35 сўмга келтирилаётган қоплар 18-25 сўмга тушганлигининг ўзи ҳам бунинг исботи.

— Мазкур цех тўла қувват билан ишга тушса бутун Сирдарё вилоятининг барча ун ва дон маҳсулотлари, корхоналарини қоп билан тўлиқ таъминлашимиз мумкин, — дейди корхона раҳбари Саттор Обидов.

Кўриниб турибдики, ишбилармонлар ўз жамоасинигина эмас, вилоятнинг барча турдош корхоналари жамоалари мушкулини ҳам осон қилади. Авваллари Марғилондаги катта меҳнат, техника сарф-харажатлари эвазига келтирилаётган ун қопларини энди улар мазкур комбинатдан олишлари мумкин.

Нурмамат АЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жамғарма Банки

ДИҚҚАТ ЯНГИЛИК!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ ТОМОНИДАН "КАПИТАЛ" ВА "КАПИТАЛ-ЛЮКС" ОМОНАТЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

"Капитал" ва "Капитал-Люкс" омонатлари бўйича даромад ҳар ойда 9% дан тўланади ва бу фоизлардан Сиз тўлиқ ёки қисман олиб фойдаланишингиз мумкин. Бундан ташқари бу омонатларни пул ўтказиш йўли билан ҳам очишингиз мумкин:
"Капитал" омонати 1 йил муддатга очилади ва энг кам миқдори 1000 сўм. Бу омонат бўйича фоизларни 1 йил давомида олиб ишлатмасангиз Сиз 180% дан юқори даромад оласиз.
"Капитал-Люкс" омонати 6 ой муддатга очилади ва энг кам миқдори 3000 сўм. Бу омонат бўйича Сиз жорий ой учун фоизларни олдиндан олиб фойдаланишингиз ва истаган миқдорингиздаги қўшимча пулни қўйишингиз мумкин.
Тўлиқ маълумотларни Жамғарма банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин:
45-66-43, 33-51-95.
"КАПИТАЛ" ВА "КАПИТАЛ-ЛЮКС" ОМОНАТЛАРИ-БУ СИЗНИНГ ДАРОМАДИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ

"ПВА"

ишлаб чиқариш фирмаси пул ўтказиш йўли билан
63, 50, 40, 32, 25, 20, 16, 14, 12
диаметрли полиэтилен қувурларини
СОТАДИ

Ванна ва ошхона учун мўлжалланган сифонлар, 87 градус 50 диаметрли учлик, 90 градус 50 диаметрли отвод, 50 диаметрли муфта, сув тушириш идишига улаш учун шланглар сотади.

Мурожаат учун телефонлар:
48-23-03, 48-22-43.

Узбекистон Давлат телерадиокомпанияси бадиий жамоалар дирекцияси хушовоз хоننда, Узбекистонда хизмат курсаттан артист **Малоҳат ДАДАБОЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

БИЗ ЖАНГ КЎРГАН ЭДИК...

– Ғалаба байрамини қандай кутиб оласиз?— деган саволлар булади. Жавоби учун «синов майдони»ни албатта эслайман. Ахир, мен 1941 йил 22 июндан 1945 йил 9 майгача жангларда қатнашдим. Шунинг учунми, бу савол гоҳ тулқинлантириб, гоҳ уйлантиради... Боиси, Ғалабага осонликча эришмадик.

Биргина ўзимдан қиёс. Оиламиздан уч киши уруш кўрди. Мен тирик қайтдим. Қариндош-уруғларимиздан 11 нафари ҳали ўн ғулидан бир гули очилмай душман ўқига учишди. Уруш аламларини санолмайман. Киев мудофааси, Волгабуйи, Сталинград, Ростов - Дон, Луганск, Берлин... сингари ўнлаб шаҳарларнинг қонли йуллари хотирамда муҳрланиб қолди. Ҳар йили байрамни интиқ кутаман. Тириклар қўнглини сураб, шаҳидлар руҳига дуолар ўқийман...

Яна сўраб қолишади:

— Бир армон бор. Уруш туфайли генераллару қаҳрамонларимиз чиққан. Энди уларнинг издошлари етишармикан?

— Сирасини айтганда, мен ҳам шу тўғрида ўйлайман. Миркомил Миршаропов, Собир Раҳимов, Мамадали Топиболдиев, Файзулла Норхўжаев, Бурҳон Сирожиддинов сингари машҳур кишилар билан фахрланганимиз яхши. Мен бормаган жой, кўрмаган манзил қолмади ҳисоб. Замон бўлакча эди. Лекин тақдир экан: жонфидолар орасида ҳатто маршал бўладиганлари ҳам бор эди.

Маълумки, ҳарбий тактик қонун-қоидалар, усуллар бизнинг Шарқда яратилган. Соҳибқирон Амир Темур тузукларини ўқиганмиз. Ривожланган хорижий бир мамлакатда шу тузуклар дарс сифатида ўқитиларкан. Умуман, бизда ҳарбий ишларга мойиллик бўлган. Назаримда, айрим ёшлар қандайдир эринчоқроқ чиқиб қолди. Ҳатто ўз тарихимизни билишга қизиқмайдилар. Балки бу гиналарим кимларгадир оғир ботар. Аммо ҳақиқатдан кўз юмиб булади-ми?

Ноумид шайтон. Ҳали забардаст ўзбек зобитлари, ҳатто фазогирлар чиқишига ишонаман. Фақат интилиш ва курашиш керак.

Келинг, яна тарихий воқеаларга қайтайлик. 1941-42 йиллари Киев мудофаасидан қайтиб, Сталинград фронтига тушдим. Уша кезлари 23 ёшда эдим. Куч-қувватга тулган пайтим. Ҳеч нарсадан қайтиш йўқ. Юз нафар автоматчилар ротасини менга топширишди. Ҳаммаси ўзбеклар. Улар орасида 18 ёшлилари ҳам, 35 ёшдагилари ҳам бор эди. Ҳозир ҳаёт қувалик Мадумаржон ака Сотволдиев каттамиз — «дед»имиз эди.

Энг оғир кунларда елкадош булиб урушга кирган ҳамюртларимиз ёдга келади: майор Абдуллажон Муродхўжаев, генерал-лейтенант Файзулла Норхўжаев, миномётчилар дивизияси комиссари Муйдин Дадабоев, довюрак тупчи Исмоил Тухтасинов, Абдуллажон Орзиқулов, капитан Маҳмуд Қирғизов, майор Мустақим Акбаров, автоматчилар взводининг командирлари Рузимат Тошматов, Султонали Пулатов, катта сержант Аъзамжон Усмонов, Иброҳим Соғатов, Собиржон Эгамбердиев... саноғининг адоғи йўқ.

Волга бўйидаги ғалаба ҳарбий санъатимиз тантанаси, халқ қаҳрамонлиги ва жасоратининг рамзи бўлди. Ғоят қийин шароитларда ўтган жангларда кишилардаги она-юртга садоқат, қаҳрамонлик, дўстлик уйғунлашиб кетганди. Москва, Киев, Ленинград, Новороссийск, Сталинграддаги қаҳрамонлик бутун жаҳонни ҳайратга солди, жангчилар руҳини кўтариб юборди.

1941-42 йиллари Фарғонада 94-алоҳида ўқчи бригада, Каттақўрғонда эса 90-алоҳида ўқчи бригада ташкил топди. Бу бригадалар Москва мудофааси ва Сталинград фронтига ташланди. Фарғона вилояти партия комитетининг биринчи котиби Р. Қурбонов бригада комиссари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг котиби А. Муродхўжаев сиёсий бўлим бошлиғи қилиб тайинландилар.

Айниқса, Ўзкомпартия Марказий Комитетининг биринчи котиби Усмон Юсупов, республика оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев, ёзувчи Алексей Толстой, округ қўмондони генерал Афанасенко ва бошқалар ёрдам кўрсатиб, жанговар ва сиёсий тайёргарликни кузатдилар.

Сталинград жангида минглаб ўзбек ўғлонлари кўкракларини қалқон қилишди. Чунончи, 21-армиянинг жанубий-ғарбий фронтида жанг қилган 90 - ва 94-алоҳида ўқчи бригадалари мураккаб шароитларда матонат кўрсатдилар.

1942 йилнинг ноябрь ойи охирларида 94-ўқчи бригадамиз тунда Себряков станциясига келиб тушди. Станция душман бомбаларидан бутунлай вайрон бўлган эди. Биз вагонлардан тушибоқ Дон томонга қараб 150 километрча йўл босдик.

Бригада командири полковник И. А. Красновдан командирларимиз жанговар топшириқлар олиб турдилар. Маълум бўлишича, бригадамиз генерал-лейтенант Н. Ф. Ватутин бошчилигидаги жануби-ғарбий фронт таркибида ҳаракат қилиши керак эди. Фронт қўшинлари 19 ноябрь куни кучли артиллерия тайёргарлигидан сўнг душманнинг ҳар томонлама мустаҳкамланган мудофаасини ёриб ўтди, ҳамда Сталинград фронти қўшинлари билан ҳамкорликда фашистлар Германиясининг 4-танк ва дала армиясини қуршаб олди. Бу муваффақият Сталинград фронтидаги жангчилар ва барча меҳнаткашларни чексиз қувонтирди, кучига-куч қўшди, ғалабага бўлган ишончни янада мустаҳкамлади. Бригадамизнинг сиёсий бўлим бошлиғи Абдуллахўжа Муродхўжаев жангчилар ўртасида зўр ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни олиб борди.

Қўшинларимиз душманни қувишда давом этарди. Жангларнинг бирида немис танклари позициямизда пайдо бўлиб қолди. Бизга ўқ уза бошлади. Шунда сержант Собиржон Эгамбердиев зўр жасорат кўрсатди: автоматидан 15 фашистни қулатди. Взвод командирининг ёрдамчиси Ёқубжон Абдуллаев ҳам мард йигит эди. У яшириниб душман позициясидаги фашист снайперининг унини учириб, дўстларига йўл очиб берди. У шу жангда ҳалок бўлди. Бундан ғазабланган жангчилар жон-жаҳдлари билан интилиб, душман мудофаа пунктини қўлга олдилар. Бригадамиз муваффақиятида майор Файзулла Норхўжаевнинг ҳам хизмати бор. У бошлиқ артиллериячилар илгари силжишга имконият яратдилар.

Собиқ командирларимиз кейинчалик Қуролли Кучларимизнинг етук офицерлари бўлиб етишдилар. Тинч яратувчилик меҳнатига қайтишди. Ҳозир республикамизда бригаданинг 500 га яқин фахрийси яшамоқда. Кўпгина сафдошларимизга эса бу кунларни кўриш насиб этмади. Зеро, ўзбекистонлик 280 нафар қаҳрамон, 34 «Шуҳрат» ордени тўлиқ нишондори билан фахрланамиз.

Оиламиздан уруҳда қатнашган акам Шукуржон Охунжонов 1912 йилда туғилган, тупчи, қаҳрамонларча ҳалок бўлган, икки ўғил ва икки қизнинг отаси эди. Келинойим Ҳамидахон бева қолдилар. Шокиржон акам, 1914 йилда туғилган. Уруш бошланишидан бир кун илгари 1941 йили 21 июнь куни уйланиб, 22 июнь куни эса урушга жўнаб кетди. 25-гвардиячи миномёт дивизионида «Катюша» командири бўлиб жангга кириб, Ржев шаҳри остоналарида ҳалок бўлди. Шунингдек, амакимиз Зуфаржон аканинг икки ўғиллари — Маҳмуджон ва Валижон ҳам урушдан қайтмадилар, Манзура холамнинг икки ўғиллари Собиржон билан Ҳакимжонлар ҳам жасорат кўрсатиб, Польша ва Венгрия ерларида жон бердилар. Қайним, лейтенант Нуъмонжон Азизов эса Тошкент молия институти ва ҳарбий билим юртини тамомлаб, Львов остоналарида 1944 йили душман ўқига учди. Нуъмонжоннинг тоғаси Қодир эса севикли ёридан умид узолмай, чимилдиқ орзусида қурбон бўлди.

Ҳа, урушнинг номи учсин.

Отам Охунжон Иноғом ўғли 101 ёшда қазо қилдилар. Акаларим Шукуржон ва Шокиржонларни урушда ҳалок бўлганларини эшитган бўлсалар ҳам, «қора хат» келганини билсалар ҳам, маҳаллага эълон қилмадилар-у, аммо кута-кута адо бўлдилар. Бундай оилалар минг-минг...

Ҳозир Президент Фармонига биноан «Хотира китоби»ни тайёрлаш ишлари якунланмоқда. Қорақалпоғистонда, ҳар бир вилоятда ва Тошкент шаҳрида алоҳида «Хотира китоб»лари давлат тилида нашр этилмоқда. Урушда ҳалок бўлганлар ва бедарак кетганлар руйхатлари жойларда аниқланди, тушунтириш ишлари олиб борилди. «Хотира китоби» келгуси авлодлар учун оталарнинг жанг-жадалда кўрсатган жасорати тимсолига айлангусидир.

Собиржон ОХУНЖОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгашининг раиси муовини, генерал-лейтенант.

Бир сурат тарихи

БИРИНЧИ ДОРИЛМУАЛЛИМИН ВА БИРИНЧИ МУАЛЛИМЛАР

Туркистоннинг қадриятларга бой ва нуфузли ўлкаларидан бўлмиш уч вилояти — Фарғона, Андижон, Наманган маориф ва маданият соҳасида ўз миллийлик ўлчовини баҳоли қудрат кўрсатиб келди. Жонли мисол: биринчи ва иккинчи босқич эски мактаблар мазмун ва мундарижасига кўра халқ болаларига сабоқ берди. Октябрь инқилоби деб аталмиш тўнтариш амалга оширилгач, «қозон бошида чўмич ушлаб» турган қизилча босқинчилик сиёсати Фарғона водийсида, хусусан бу вилоятда турли кўринишларда маориф шохобчаларини туза бошлади ва ташкил қилди. 1918 йили Қўқонда атоқли филолог олим ва журналист Ашурали Зоҳирий, профессор, тарихчи олим Бўлат Солиев ҳамда таниқли тилшунос Назар Тўрақуловлар ташаббуси билан, яъни уларнинг ўз ҳамёнлари ҳисобидан тузган муаллимлар тайёрлайдиган 8 ойлик дорилмуаллимин очилган эди. Унинг биринчи домлалари машҳур шарқшунос олимлар Пўлатхон Қаюмий, Муҳаммаджон Холиқий эдилар.

1920 йили махсус топшириқ билан Фарғона вилоятининг «иккинчи босқич мактаб»и Қўқонга кўчирилиб, ўша йили мазкур ўқув масканига қўшиб юборилди. Оқибатда ўрта маълумотли педагог ва муаллимлар тайёрловчи бу ўқув даргоҳининг номи «таълим-тарбия техникуми» бўлиб қолди ва ўқиш муддати 4 йил қилиб белгиланди.

— Техникум ўша замонда шундай катта нуфузга эга бўлдики,— дея гувоҳлик беради 1925 йилдан бошлаб анча муддат унга директорлик қилган, ҳозир эса 94 баҳорни қаршилаётган атоқли педагог-олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби ва хизмат кўрсатган ўқитувчи, профессор Раҳимжон Отажонов,— унга Ўш, Жалолобод, Конибодом, Андижон, Наманган шаҳарларидан ҳам ёшлар келиб ўқишарди. Сабоқ берувчилар эса бутун Туркистонга номлари кетган ўта саводхон муаллимлар эди. Техникумда Оренбург олий мадрасаси, Туркия ва Арабистон олий ўқув юртлари, Бухоро олий мадрасасини битирган зуллисонайн кишилар фаолият кўрсатишарди. Айтишим мумкинки, 1930 йилнинг 5 май куни Фарғонада очилган олий педагогика ўқув юрти ва ҳозирги Фарғона университети ана шу техникум замирида пайдо бўлган.

Сиз кўриб турган бу тарихий сурат 1921 йилда Қўқонда олинган экан. Бунда ўзбекнинг буюк алломалари олиму фузалолари, педагогларининг нуроний қиёфалари тасвирланган. Сурат орадан 74 йил ўтгач, ноёб ҳужжат сифатида илк бор эълон қилинмоқда.

СУРАТГА ИЗОҲ: ўтирганлар (чапдан), Ашурали Зоҳирий — 1938 йили «миллат»чи сифатида отиб ташланган. Муҳий — шоир, педагог, у ҳам қатл этилган. Маҳмудхўжа домла — техникум ўқитувчиси, қатағон қилинган. Турганлар: Пўлатхон Қаюмий — 1963 йили вафот этган, Муҳаммаджон Холиқий — форс ва араб мамлакатлари тарихи ҳамда адабиёти ўқитувчиси, 1938 йили Сурхондарёга олиб кетилиб, минглаб муаллимлар қаторида йўқотилган. Зайнитдин Маҳсум — қатағондан қайтгач, вафот этган.

Ҳайдарали УЗОҚОВ.

Янги китоблар

ЎТМИШДАН САДО

Яқинда Абдулла Қодирий номидаги «Халқ мероси» нашриёти ажойиб туҳфа — ўзбек халқининг жонкуяр фарзанди, уруш, меҳнат ва партия фахрийси, ўз вақтида давлат ва фирқа ташкилотини бошқарган Маленков, Хрушчев, Брежнев, Андропов ва бошқалар билан собиқ КПСС МҚ ва унинг Сиёсий Бюроси (Президиуми)да, марказий давлат идораларида юқори лавозимларда бирга ишлаган, ҳамнафас ва ҳамкор бўлган Н. А. Муҳитдиновнинг уч қисмдан иборат трилогиясининг биринчи китобини босмадан чиқарди. Китоб «Кремлда ўтган кунларим» деб номланган.

Асарда яқин ўтмишимизнинг қизғин, аммо кенг жамоатчиликка, ҳатто бир қатор хос аҳлига ҳам маълум бўлмаган ижтимоий-сиёсий давр воқеалари, давлат ва фирқа раҳбарлари орасида юз берган зиддиятли онлар ҳақида фикр юритилади. Муаллиф ана шу воқеа-ҳодисаларнинг жонли гувоҳи, фаол иштирокчиси, ҳатто баъзи масалаларнинг ижодкори ва ижрочиси сифатида гавдаланади. Китобни варақлар экансиз, кўз ўнгингиздан ўзбек қишлоғида дунёга келган оддий бир инсоннинг ёшлик йиллари, талабалик ва уруш даври фаолияти, А. Икромов ва Ф. Ҳўжаевлар «иши» юзасидан ўтказилган суд жараёнида изтироб чеккани, кейинчалик ижтимоий-сиёсий фаолиятининг бошланишидан то собиқ КПСС МҚ ва унинг Сиёсий Бюроси (Президиуми) аъзоси ва котиби даражасигача босиб ўтган йули, бу йўлда учраган тусиқлару катта ҳурмат-эътиборга сазовор булишлари бирма-бир кўз ўнгингиздан ўта бошлайди.

Кўрган-кечирган воқеа-ҳодисаларнинг аниқ ва тиниқ баён қилиниши тарихимизнинг қоралган кунларини тиклаш ва бу борада жонбозлик кўрсатганларни яхшироқ билиб олишга имкон беради. Зотан, у ёки бу воқеа-ҳодисани буяб ёки камситиб, тарихий шахсларни улуғлаб ёки қоралаб кўрсатишдан ҳеч ким манфаатдор эмас. Дарвоқе, муаллиф ҳам улуғ ёшда. Мустақил ва келажаги буюк давлатнинг бахтли фуқаросидир. У билимдон, оқ-қорани яхши ажратадиган ҳалол-пок оилада тарбияланган ва айни чоғда Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний каби буюк ёзувчи ва олимлар суҳбатидан баҳраманд бўлган.

Келинг, ҳурматли китобхон, гапни мухтасар қилайлик-да, китобни ўзингиз ўқиб чиқинг, зерикмайсиз. Унда сиз яқин ўтмишимизни ўз кўзингиз билан кўрасиз.. Эшитган, аммо кўрмаган анчагина тарихий шахслар, воқеа-ҳодисаларга ўзингиз баҳо берасиз. Дарвоқе, китоб рус тилида, агар ўзбек тилида ҳам тезроқ нашр этилса, ўйлаймизки, у онгимизни янада чароғон қилади.

Аминжон МАМАТОВ.

ИЕ, ЙЎҚ-Е, ҲАҲОТКИ?!

ҲАМ КОНЦЕРТ, ҲАМ КОНФЕТ

Амстердамдаги энг нуфузли Концертгебау концерт зали маъмурияти симфоник оркестрлар куй ижро этаётган пайтда томошабинлар йўталишига қарши «кураш» эълон қилган. Аввалига бу кураш афишалардаги сатирик чақириқларда ўз аксини топди: «Дирижёр ишора қилсагина йўталинг!» ёки бошқа шунга ўхшаш ёзувлар концерт залига осиб қўйилди. Бироқ бу усул натижа бермади. Кейинчалик концерт бошланиши олдидан ҳар бир томошабинга бир донадан лимонли ёки ичида асали бор конфет улашадиган бўлди.

Эслатмада ундан қандай фойдаланиш тартиби ёзиб қўйилган: томоша залига кирган пайт, албатта, конфетни оғзингизга солинг. Фақат уни тезда чайнаб, ютиб юборманг, аксинча узоқ вақт сўринг ёки тил остида сақланг. Ана шундагина залда фақат симфоник садо ҳукмрон бўлади, дейилади унда.

«АҚЛЛИ»ЛАР КАМАЙМОҚДА

БУГУНГИ кунда барча собиқ совет республикаларида иқтисодий аҳвол яхши эмаслиги, аҳолининг турмуш даражаси пастлиги ҳаммамизга аён. Шунинг учун ҳам аҳолининг кўпчилиги турмуш «фаровонлиги» ни сақлаб қолиш мақсадида ўз касбини тижорат ишлари билан алмаштирмоқда. Бу ҳол Россияда айниқса яққол кўзга ташланади: Масалан, кейинги уч йил мобайнида олимлардан 30 фоизи илм-фан билан хайрлашган. Уларнинг бир қисми ҳозирги кунда тижорат тизимларига ўзини урган бўлса, қолгани хорижга кўчиб кетган. Бунга асосий сабаб - зиёлилар турмуш даражасининг пасайиб катганлигидир. Ахир биргина 1994 йилда илм-фан тараққиёти учун ажратиладиган харажатнинг 40 фоизичегириб ташланган. Бу йил эса бундай чегириш яна икки бараварга ортиши кўзда тутилмоқда. Бу ҳолдан воқиф касаба уюшмалари эса академия ва институтлардан олимларнинг оммавий бўшаб кетиш эҳтимоли йўқ эмаслигини башорат қилишмоқда

Қизиқ, илм-фансиз ҳаёт қандай бўларкин?

Қадриятларимиз

БИРИНЧИ НОШИР, ДРАМАТУРГ

Самарқанддаги давлат музей-қўриқхонасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси шаҳар Кенгаши ташаббуси билан уйғониш даври ўзбек адабиётининг йирик намоёндаси, ўзбек театрининг биринчи гиштини қўйган ношир Маҳмудхожа Беҳбудий таваллудининг 120 йиллиги муносабати билан илмий-амалий конференция ўтказилди.

Анжуманни шаҳар ҳокими Азиз Носиров очди. Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси Б. Валихўжаев, Тошкент Давлат дорилфунуни профессори Б. Қосимов алломанинг бой адабий-маданий мероси, эзгу ишлари хусусида фикр юритдилар. Анжуман қатнашчилари Беҳбудийнинг ўзбек маданиятини ривожлантиришга қўшган ҳиссасини юксак баҳоладилар.

Беҳбудий аср бошида илк нашриёт, босмахона ташкил қилди. Унда ўзининг дастлабки дарслик ва қўлланмаларини чоп этди. 1912 йилда эса «Падаркуш» пьесасини ёзди. Асар Туркистондаги ўнлаб театрларда қўйилди.

Конференция қатнашчилари бундай фидойилик ва фаолият эътиборсиз қолмаслиги лозимлигини таъкидладилар. Жумладан, аллома мероси ҳақида тўплам нашр этиш, йирик мактаблар, нашриёт ёки босмаханалардан бирини Беҳбудий номи билан аташ, «Падаркуш» қўйилган кун — 1914 йил 28 феврални Ўзбекистонда театр куни деб белгилаш ҳақида таклифлар бўлди.

Қатнашчилар санъатшунос Дилбар Рашидова ҳамда кинорежиссёр Ғайрат Шодмоновларнинг Беҳбудий тўғрисидаги ҳужжатли фильмини томоша қилдилар. Музейда улкан маърифатпарвар фаолиятига бағишланган кўргазма уюштирилди.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қоракўл шаҳри марказида жойлашган чойхона соҳибларининг қўли-қўлига тегмайди. Бу ер ҳамиша чойхўрлар билан гавжум. «Ўзбек миллий ўймакорлик ва ганчкорлик санъатидан фойдаланиб, безак берилган бу кўркам ороміоҳда ўтириб, бир пиёла чой устида суҳбатлашиш нима етсин, — дейди кексалар. — Бизга шундай имкониятлар яратиб берган Меҳриддиннинг умрини берсин!».

Ҳа, ўз ичига қандолатчилик, қуюлтирилган сут ва шарбат ишлаб чиқариш цехларини жамлантирган икки қаватли бу гўзал бинонинг ташаббускори ва бунёдкори шаҳар савдо-ҳиссадорлик уюшмаси бошлиғи Меҳриддин Муҳиддиновнинг номини нафақат кексалар, балки шаҳарнинг катта-кичиги ҳурмат билан тилга олишади. М. Муҳиддинов ташкил қилган колбаса ишлаб чиқариш, тикув ва тўқув ҳамда зардўздлик цехлари чиқараётган маҳсулотлар аҳолига манзур бўлмоқда.

СУРАТДА: М. Муҳиддинов туман кексалари билан.

Абдуғани ЖУМАЕВ олган сурат.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир

СОЛИҚ ТИЗИМИДАГИ НАЙРАНГЛАР

Хива тумани савдо ҳиссадорлик жамияти бош ҳисобчиси Ойбиби Юсуповага нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 179 [3] моддаси билан жиноий иш қўзғатилди. Нега? Сабаби, 1993 йилнинг 17 декабрида солиқчилар томонидан ўтказилган текширувда 918 минг 300 сўм солиқ тўланмагани аниқланган эди. Афсуски, бош ҳисобчи маъмурий жазодан тегишли хулоса чиқармаган экан. 1994 йилнинг сентябрь ойида солиқ нозирлари қонунбузарликка дуч келишди. Энди О. Юсупова бунинг сабабларини тегишли жойда тушунтириб беради.

***

Фарғона шаҳар матлубот жамиятига қарашли 9-дўкон мудири Зуҳритдин Жуманиёзов харидор ҳақидан 4 сўму 37 тийин урриб қолаётиб, қўлга тушган эди. Дукон тафтиш қилинганда эса товарлардан 51650 сўмлик камомад чиқди. Тўпланган материаллар прокуратурага юборилди. Зуҳритдин Жуманиёзовга нисбатан жиноий иш қўзғатилди.

***

Қувасойдаги чинни ишлаб чиқариш корхонаси бошлиғи Адҳам Камолов ва бош ҳисобчи Алишер Аббосовлар ўзларини даромадни солиқчилардан яширишга устаси фаранг деб ўйлаб юришган экан. Биринчи бор даромадни солиқ тўловидан яширганларида солиқчилар фош қилиб қўйишганини англашилмовчилик, деб ҳисоблаб, бир йил ичида иккинчи бор бу ишга қўл уришди. Буни қарангки, солиқчилар уларни яна фош қилишди.

«Устаси фаранг»ларнинг иши прокуратурада кўрилмоқда.

И. ЎСАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати ходими.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90;
Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-74-76; Қаршида -- 3-25-79; Урганчда -- 6-51-35;
Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Қумқўрғонда -- 5-26-24; Фарғонада -- 26-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ. Г -- 0051, 43324 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир С. АШУРОВ, навбатчи Х. ЭРМАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 23.00 123456